

Ҳалол сармоя масалалари муҳокама қилинади



11:00 / 05.12.2018 2350

Жорий йилнинг 6 декабрь куни Татаристоннинг Қозон шаҳрида “Ҳалол сармоя: қимматли қоғозлар” мавзусида мусулмонлар баҳс клубининг навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтади. Унда бугунги кунда барча мусулмон мамлакатларида энг муҳим мавзу бўлган ҳалол сармоя масаласи муҳокама қилинади, деб хабар беради Islam-Today.

Тадбирга эксперт сифатида Россия ислом институтининг етук олимлари таклиф этилган. Суҳбатда “Диний қоидалар бўйича қайси сармояларга рухсат берилган?”, “Қайси қимматли қоғозларни сотиб олиш исломий қонунлар бўйича жоиз?” каби кўплаб долзарб саволлар муҳокамага киритилади. Давра суҳбатида қатнашиш эркин бўлиб, хоҳлаган киши рўйхатдан ўтиб, «ВКонтакте»даги «Мусульманская молодежь» гуруҳида овоз бериши мумкин.

Татаристон Республикаси Диний бошқармаси томонидан амалга оширилаётган мазкур лойиҳа мусулмон ёшларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топиш учун муҳим майдон сифатида хизмат қилмоқда, деб ёзади интернет нашри.

Islam.uz портали таҳририяти